

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-9

« 26 » Январь 2018 й.г.

Соғлиқни сақлаш вазири
А.Қ.Шадмановга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ушбу депутат сўрови Сизга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунинг 12-моддаси ва “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 15-моддасига асосан юборилмоқда

Алишер Қаюмович!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари томонидан 2018 йил 15-25 январь кунлари Қибрай туманида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида, халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиш ва тегишли ташкилотлар фаолиятини ўрганиш чоғида Қибрай туманидаги марказий касалхона ва чека ҳудудлардаги ҚВПлар ҳолати атрофлича ўрганилди.

Аниқланишича, туманда 88 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳар бир ҳудудда ҚВПлар мавжудлиги ва уларга қон анализларини олиб боришлари учун 20-22 км масофага ўз ёнларидан автотобусларда олиб бориб топширишлари маълум бўлди. Шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда Қибрай туман аҳолисига юқори даражада медицина хизматини кўрсатишлари учун “Дамас” автомашинаси билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишингизни ва 10 кун муддат ичида асослангирилган ёзма маълумот беришингизни сўраймиз.

Ҳурмат билан,
Депутатлар

М.Тохтаева